

**ТАСДИҚЛАЙМАН**  
**“ОАК Ахборот коммуникация**  
**технологияларини жорий этиш ва**  
**ривожлантириш маркази” ДУК**  
**директори**  
**З.А.Таджиходжаев**



17.11.2022 йил

**Диссертация матнини бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларга (ўзбек, рус,инглиз ва б.) таржима қилиш модулидан ҳамда катта маълумотлар базасига абонент сифатида уланган ҳолда плагиат ҳолатини аниқлаш бўйича техник топширик**

Диссертация матнини бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларга (ўзбек, рус,инглиз ва бошк.) таржима қилиш модулидан ҳамда катта маълумотлар базасига абонент сифатида уланган ҳолда плагиат ҳолатини аниқлаш бўйича техник топширик қўйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

муаллифлик хуқуки обьектини doc, docx, pdf, rtf, txt, pptx, zip, 7z, xare, html ва бошка форматларда текшириш имконияти мавжудлиги;

муаллифлик хуқуки обьектидаги маълумотларни тўғридан-тўғри шунингдек, уларни билвосита, яъни паррафиза матнлардаги қўчирмачиликни аниқлаш тизими жорий этилганлиги;

камидаги ўзбек (лотин ва кирилл алифбосида), рус ва инглиз тилидаги матнларни қўчирмачиликка (плагиатга) текшириш имконияти мавжудлиги;

тизимнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларида фойдаланувчи интерфейси бўлиши ҳамда фойдаланувчилар учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида йўрикноманинг мавжудлиги;

муаллифлик хуқуки обьектини текширадиган ва уни сақлайдиган серверларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашганлиги;

дастурий таъминотнинг конунчиликда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хulosasi мавжудлиги;

халқаро эътироф этилган базалар билан боғланганлиги ҳамда маълумотлар базасида турли тиллардаги камидаги бир миллиардан ортиқ манбалар мавжудлиги, шу жумладан, халқаро илмий нашриётлар, миллий кутубхоналар ва илмий ахборот агрегаторларининг тўпламлари (тегишли муаллифлик хуқуки обьектларининг хуқук эгалари билан тузилган шартномалар билан индексациянинг конунийлигини тасдиклаган ҳолда) мавжудлиги;

буюртмачи ташкилот базасига ҳамда буюртмачи ташкилотнинг ички тизимларига интеграция қилиш имкониятининг мавжудлиги;

муаллифлик хуқуки обьектларини текшириш натижасида тўлиқ хисботни ва текшириш натижаларини таҳлил қилиш имконияти мавжудлиги;

расм шаклида тақдим этилган матнларни аниқлаш тизимининг ҳамда қўчирмачиликка (плагиатга) текширишда материалларга киритилган расмларни таҳлил қилиш ва ўзлаштиришни аниқлаш имконияти мавжудлиги.